



O'zbekiston «Adolat»
sotsial-demokratik
partiyasi

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2021-YIL 11-IYUN, JUMA ★ № 24 (1341)

info@adolatgzt.uz
www.adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat



Фракция йиғилиши

Ер ишончли химояда бўлади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, соҳага ахборот технологияларини жорий қилиш орқали очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бюрократик тўсиқлар бартараф этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида юқорида таъкидланган масалаларни ўзда қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июнда тасдиқланган “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли химоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони маъмур-моҳияти кўриб чиқилди ва ундан келиб чиқадиган фракция вазифалари белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг аини фармони билан соҳада қатор ислохотлар олиб борилишига замин яратилмоқда ва ер муносабатларининг аниқ ҳуқуқий ечимлари акс эттирилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун очиқ электрон танлов яқунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ҳам мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши белгиланмоқда.

Айниқса, барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилиши, аини бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисоблангани ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши қатъий белгиланаётгани соҳадаги муҳим тартибнинг яратилишига хизмат қилади.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши маънан эскирган ва бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилишига ва ер муносабатларида янги ислохотларнинг олиб борилишига асос бўлди.

Йиғилишида депутатлар томонидан ҳудудларда ўтказилган учрашувларда сайловчилар томонидан билдирилётган эътирозларнинг аксарияти ер бериш тартиби, ердан фойдаланиш ҳуқуқларининг бузилганлиги ҳолатлари билан боғлиқ эканлиги айтилди. Айниқса, ер муносабатларида тенглик ва шаффофликнинг тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги натижасида сўнгги вақтларда коррупция ҳолатларининг кўпчилиги айнан ер билан боғлиқ муносабатларда юзага келмоқда.

Фракция депутатлари давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқа тарзда имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиш тартиби таъкидланаётганига алоҳида тўхталиб, бу орқали соҳадаги коррупция ёки таниш-билишчилик каби салбий иллатларга барҳам беришга хизмат қилишини айтиб ўтишди.

Шунингдек, йиғилишида таъкидланганидек, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда ер участкалари давлат ташкилотига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилиши белгиланмоқда.

Халқ таълими тизимининг моддий-техника таъминоти ва соҳада мусиқа фанининг ўқитилиши муҳокама этилди

Парламент қуни палатасида Ўзбекистон “Адолат” СДП ва Ўзбекистон ХДП фракцияларининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлигининг “Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш ҳамда мактабларда мусиқа фанининг ўқитилишини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” ги ахбороти эшитилди.

Йиғилишида эътироф этилганидек, кейинги йилларда таълим тизимида жиддий ўзгаришлар амалга ошмоқда. Соҳани замонавий мезонлар асосида такомиллаштиришга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, ўқитувчиларнинг жамиятдаги мақоми ва маоши оширилди, янги таълим муассасалари қурилди. Хусусан, охириги уч йилда 221 149 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаблари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда республика бўйича жами 70 165 ўринга мўлжалланган 215 та мактаб, шу жумладан, 13 934 ўринга мўлжалланган 31 та янги, 56 231 ўринга мўлжалланган 184 та мактабни реконструкция қилиш режалаштирилган. Янги ўқув биноларини қуриш орқали ҳозиргача икки ва ундан орტიқ сменада олиб борилаётган дарс жараёнларининг меъёрий кўрсаткичларга келтирилиши кўзда тутилган. Узоқ йиллар давомида тўпла-

“ Таҳлиллар шу вақтга қадар халқ таълими тизимида мусиқа фани машғулотлари талаб даражасида олиб борилмаганини кўрсатмоқда. Мусиқа фани ўқитувчилари билимининг етарли эмаслиги, чолғу асбобларини ижро этиш тажрибасининг йўқлиги, ўқитиш услубининг эскирганлиги бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини англатади.

ниб қолган муаммолар босқич-босқич ҳал этиляпти. Ҳар йили давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижти-

мой соҳага йўналтирилмоқда. Мабағларнинг катта қисми айнан таълим тизимига ажратилаяпти. Ҳозирги замон талаблари ва мезонлари инобатга олинган ҳолда, таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни реконструкция қилиш ва модернизациялашга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Таълим сифатини яхшилаш, ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, партия фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари соҳадаги муаммолар ва камчиликларни мунтазам ўрганиб, таҳлил этиб бормоқда, депутатлик ва парламент назорати қу-



Бугунги сонда

ДЕҲҚОН
БОЗОРЛАРИ
ТАЛАБ
ДАРАЖАСИДАМИ? 3

ГАЗЕТАГА
ЁЗМАСАК
БЎЛАР ЭКАН... 4

БАҒРИКЕНГЛИК —
АВАЛИЙ
ҚАДРИЯТ 5

ҲАММА
ИШЛАРИМИЗ
ЖОЙИДАМИ? 6

Олий таълим истиқболи йўлида



ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ: “МАҚСАДИМИЗ — ЮКСАК БИЛИМЛИ, ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ”

Мамлакатимизга замонавий билимга эга, салоҳиятли ёш кадрларни тайёрлаб беришда Фарғона давлат университетининг алоҳида ўрни бор. 90 йиллик самарали фаолияти давомида олийгоҳнинг нуфузи ва илмий салоҳияти юксалиб борди. Айниқса, халқаро ҳамкорлик ришталари янада кучайтирилган олий таълим истиқболига муносиб хисса бўлаётир.

Бугунги кунда Фарғона давлат университетининг 13 та факультетида 21 653 нафар ёшлар таҳсил олишади. Уларга 700 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар таълим беради. Сўнгги йилларда 2 та

янги факультет, 5 та янги таълим йўналишлари фаолияти йўлга қўйилди. Жорий ўқув йилида 6200 нафардан зиёд талаба ва магистрантлар катта ҳаётга учирма қилинади.

Талабалар сонининг кўпчилиги жиҳатидан мамлакатимизда етакчи ўринларда турайдиган олийгоҳимизнинг илмий салоҳияти ҳам йилдан-йилга охиб бормоқда. Утган йили профессор-ўқитувчиларимиз сафига 59 нафар ёшлар келиб қўшилди, уларнинг 4 нафари хорижий университетларда таҳсил олган ёш кадрлар ҳисобланади. Шунингдек, талабаларимиз хорижий олий таълим муассасаларининг 51 нафар профессорларидан билим олиш имконига эга бўлишди.



Кун иқтибоси



Барчамизда иқтидор бор. Лекин балиқнинг дарахтга тирмашиб чиқиш қобилияти бор-йўқлиги масаласини муҳокама қилсангиз, у ўзини бир умр лапашанг ҳис қилиб ўтади.

Альберт ЭЙНШТЕЙН

Халқ таълими тизимининг моддий-техника таъминоти ва соҳада мусиқа фанининг ўқитилиши муҳокама этилди

Аммо соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, парламент куйи палатаси депутатлари томонидан эшитивга тайёрларлик кўриш доирасида ўз сайлов округларида олиб борган учрашувлари давомида соҳада қатор фойдаланилмаган имкониятлар ва ишга солинмаган захиралар мавжудлиги маълум бўлди.

Қишлоқ жойлардаги мактабларнинг моддий-техник ҳолати ўрганилганда синф хоналари, ўқувчилар учун яратилган шароитлар талабга жавоб бермаслиги ҳолатлари аниқланди. Ўқув-тарбия жараёнини давлат стандартларига мувофиқ ташкил этиш, болаларнинг ўзлаштириш даражасини оширишга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, фракция аъзолари вазирлик томонидан бундай амалга оширилмаётган ишлар юзасидан батафсил ахборот сўрашди.

Шунингдек, кўшма йиғилишда "Адолат" СДП фракцияси томонидан "Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа фанини ўқитиш сифатини ошириш ва ўқувчи ёшларнинг мусиқий саводхонлигини юксалтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Худудларда депутатлар томонидан ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, республикамизнинг деярли барча умумтаълим мактабларида мусиқа фанини ўқитиш учун мусиқий чолғу асбоблари етарли эмас. Мавжуд мусиқий чолғуларнинг ҳам аксарияти эскирган бўлиб, амалиётда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Бундан ташқари, мусиқа фанини ўқитишда дарсликлар танқислиги ҳам кузатилаётган. Мавжуд дарсликлар эса мазмунан сەъз бўлиб, бугунги замон талабларига жавоб бермайди. Педагог кадрлар масаласида олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатадики, айрим худудларда хусусан, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида му- тахассислар етишмайди.

Таҳлиллар шу вақтга қадар халқ таълими тизимида мусиқа фани машғулоти талаб даражасида олиб борилмаганини кўрсатмоқда. Мусиқа фани ўқитувчилари билимининг етарли эмаслиги, чолғу асбобларини ижро этиш тажрибасининг йўқлиги, ўқитиш услубининг эскирганлиги бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини аниқлатади.

Йиғилишда, депутатлар шунингдек, мактаблар учун моддий-техник база яратишда вужудга келадиган асосий муаммолардан яна бири — мусиқий чолғуга тортиладиган махсус торларнинг йўқлигига тўхталиб ўтти. Бугун мамлакатимизда мусиқий тор ишлаб чиқарадиган корхоналар йўқлиги сабабли ушбу синлар Хитой ёки Европа мамлакатларидан сотиб олинмоқда, айрим ҳолатларда чолғуга махсус сим ўрнида ҳатто оддий синлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилаётган. Бу эса болаларнинг физиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланди.

Таваккал ЧОРИЕВ,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Халқ таълими тизимида мусиқа фани машғулотида қолаётганининг сабабларидан бири мутахассис кадрлар малакасини ошириш тизимининг талаб даражасида эмаслигидир. Афсуски, мусиқа фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича тасдиқланган ўқув режада аксарият фанлар маърузавий бўлиб, яқиний назорат ҳам шунга яраша ёзма ва оғзаки шаклда ўтади. Ваҳоланки, малака оширишга келган педагог кадр ўзининг мусиқа, хусусан, чолғу ижрочилиги борасидаги кўникмаларини тақомиллаштириш билан боғлиқ ижодий жараёнлардан ўтиши керак. Бунда ўқитиш шакли ҳам яқка дарс тарзида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунда умумтаълим

мактаблари мусиқа фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш борасида Халқ таълими тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Иброҳим ДЖУРАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги ўринбосари:

— Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги тегишли буйруғи билан ҳудудий марказларнинг мутахассис ва педагог ходимлар малакасини оширишнинг 2021 йил учун умумий режаси, халқ таълими ходимларининг малака ошириш курслари ўқув режалари ҳамда халқ таълими ходимларининг малака ошириш курслари ўқув дастурлари тасдиқланган.

Унга кўра, "Мусиқа маданияти фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар ва хорижий тажрибалар" модули бўйича 30 соат ажратилган, бу мусиқа маданияти фанини ўқитишда қўлланиладиган инновационлар ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Республика бўйича 2021 йил январь-март ойларида 525 нафар мусиқа фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш режалаштирилган бўлиб, амалда 537 нафар ўқитувчиларининг малакалари янги ўқув режа ва дастурлар ёрдамида оширилди.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Қўриқиб турибдики, мамлакатимизда мусиқий чолғулар билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, унинг ечимини ҳукумат даражасида қабул қилинаётган махсус қарор билан боғлиқ. Юртимизга четдан кириб келадиган импорт ҳажмининг қисқартириш мақсадида, маҳаллий хомашдан кенг фойдаланган ҳолда иқтисодиётни юксалтириш, бугунги кун учун энг



долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуктага назардан, мамлакатимизда мусиқий чолғулар учун тор ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш орқали маданий соҳани керакли анжом билан таъминлашга қолмай, балки ўз мақсулотимизни Марказий Осиё ва бошқа давлатларга экспорт қилиш имкониятига эга бўламиз.

Яна бир масала, бугунги кунда мусиқий чолғулар, асосан, хунармандлар томонидан ясалиб, сотувага қўйилмоқда. Афсуски, уларнинг мукамаллик даражаси ҳақида ҳужжат талаб этилмайди. Бир вақтлар "Ўзстандарт" рўйхатида бўлган мусиқий чолғулар ҳозирда ушбу рўйхатдан чиқариб юборилган. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги мусиқий чолғуларни илмий-ишлаб чиқариш лабораториясига чолғуларнинг сифатлилик даражасини белгилаш вазифасига эга. Аммо бу механизм ҳам ишламайпти.

Айтинчи-чи, мамлакатимизда сифатли мусиқий чолғу ва унинг комплектация анжомларини ишлаб чиқариш юзасидан қандай чоралар кўрилмоқда?

Иброҳим ДЖУРАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги ўринбосари:

— Мамлакатимизда йиллар давомида "устоз-шогирд" давомидан мусиқий чолғулар билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, унинг ечимини юзасидан ҳукумат даражасида қабул қилинадиган махсус қарор қабул қилиш таклифи илгари сурилди. Натижада юртимизга четдан кириб келадиган импорт ҳажмининг қисқартириш орқали маҳаллий хомашдан кенг фойдаланган ҳолда, иқтисодиётни юксалтириш бугунги кун учун энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуктага назардан, депутатлар мамлакатимизда мусиқий чолғулар ишлаб чиқариш корхона сифатида фаолият кўрсатаётган "Гўлжақ Бобурий" оилавий корхонаси моодий-техник билан жиҳозланган бўлиб, маълум муддатда сон жиҳатдан кўпроқ чолғу асбобларини ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Бугунги кунда уста-хунармандлар асосан яқка тартибда тадбиркорлик ёки оилавий корхона сифатида фаолият кўрсатиб келимоқдалар. Уларнинг чолғуларини ишлаб чиқариш қуввати бу хунарманд шогирдлар сонига боғлиқдир. Миллий мусиқа чолғуларини ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқариладиган хомашлардан кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда Маданият вазирлиги томонидан маданият

ва санъат соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазан лойиҳада миллий чолғулар ясайдиган уста-хунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиленган.

Йиғилишда депутатлар томонидан мамлакатимизда мусиқий чолғулар билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, унинг ечимини юзасидан ҳукумат даражасида қабул қилинадиган махсус қарор қабул қилиш таклифи илгари сурилди. Натижада юртимизга четдан кириб келадиган импорт ҳажмининг қисқартириш орқали маҳаллий хомашдан кенг фойдаланган ҳолда, иқтисодиётни юксалтириш бугунги кун учун энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуктага назардан, депутатлар мамлакатимизда мусиқий чолғулар ишлаб чиқариш корхона сифатида фаолият кўрсатаётган "Гўлжақ Бобурий" оилавий корхонаси моодий-техник билан жиҳозланган бўлиб, маълум муддатда сон жиҳатдан кўпроқ чолғу асбобларини ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Бугунги кунда уста-хунармандлар асосан яқка тартибда тадбиркорлик ёки оилавий корхона сифатида фаолият кўрсатиб келимоқдалар. Уларнинг чолғуларини ишлаб чиқариш қуввати бу хунарманд шогирдлар сонига боғлиқдир. Миллий мусиқа чолғуларини ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқариладиган хомашлардан кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда Маданият вазирлиги томонидан маданият

насини барпо этиш орқали маданий соҳани зарур анжомлар билан таъминлашга қолмай, балки ўз мақсулотимизни Марказий Осиё ва бошқа давлатларга экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлишимизга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, йиғилишда депутатлар томонидан халқ таълими тизимида мусиқа фани машғулотида мусиқий чолғулар билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, унинг ечимини юзасидан ҳукумат даражасида қабул қилинадиган махсус қарор қабул қилиш таклифи илгари сурилди. Натижада юртимизга четдан кириб келадиган импорт ҳажмининг қисқартириш орқали маҳаллий хомашдан кенг фойдаланган ҳолда, иқтисодиётни юксалтириш бугунги кун учун энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуктага назардан, депутатлар мамлакатимизда мусиқий чолғулар ишлаб чиқариш корхона сифатида фаолият кўрсатаётган "Гўлжақ Бобурий" оилавий корхонаси моодий-техник билан жиҳозланган бўлиб, маълум муддатда сон жиҳатдан кўпроқ чолғу асбобларини ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Бугунги кунда уста-хунармандлар асосан яқка тартибда тадбиркорлик ёки оилавий корхона сифатида фаолият кўрсатиб келимоқдалар. Уларнинг чолғуларини ишлаб чиқариш қуввати бу хунарманд шогирдлар сонига боғлиқдир. Миллий мусиқа чолғуларини ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқариладиган хомашлардан кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда Маданият вазирлиги томонидан маданият

Нигора КАМАЛОВА,
"Адолат" СДП фракцияси ижрочи котиби

Ер ишончли ҳимояда бўлади

Яна бир муҳим масала, янги тартиб бўйича кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилаётгани долзарб аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Бу эса, кўп квартирали уй-жойлар атрофида ўзбошимчилик билан қуриб олинган иншоотларнинг бузилиши билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг келажақда олди олинишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари азалдан ер ажратиш ва ер масаласидаги муносабатлар жуда жиддий масала бўлиб келганлигини айтиб, Президентимиз томонидан имзоланган мазкур фармон чуқур таҳлиллар асосида ишлаб чиқилгани ва жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида қабул қилинганини эътироф этишди. Айниқса, "Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши" тузилаётгани соҳани тартибга солишда муҳим қадам эканини таъкидлашди. Бу борада Республика кенгаши билан фракция депутатлари тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиши масалалари йиғилиш давомида келишиб олинди.

Ер муносабатлари соҳасида адолатни таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш, инсон омилини, ортиқча сарсонгарчиликни қамайтириш мақсадида эндиликда электрон онлайн-аукцион ва очик танловга қўйиш учун ер участкаларини танлаш, келишиш, аукцион ва танловда иштирок этиш учун мурожаатларни қабул қилиш, аукцион ва танловни ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар, истисноларсиз фақат электрон ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат алмашинуви йўли билан амалга оширилади.



Шунингдек, депутатлар йиғилиш давомида бир қатор вазифаларни белгилаб олишди. Булар, хусусан, худудларда сайловчилар билан учрашувлар давомида мазкур фармон мазмун-моҳиятини кенг аҳолига етказиш ва ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллашда вужудга келадиган муаммоларни аниқлаш, уларни бар- тараф этиш, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатларини тақомиллаштириш ҳамда ердан оқилона фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлашдир.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳолини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг янги амалиётини шакллантириш зарурлиги ҳам муҳим вазифа сифатида қайд этилди. Яна

бир муҳим вазифа — ер ажратиш ва ундан фойдаланиш жараёнларига ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини тезлаштиришга қўмаклашиш белги- лаб олинди.

Шунингдек, йиғилиш давомида ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш барчанинг фуқаролик вазифасига айланиши зарурлиги айтиб ўтилди.

Умуман олганда, мазкур фармонда белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётимизга татбиқ этилиши, ердан оқилона фойдаланиш орқали халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида бошлаган ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқади. Натижада, ердан фойдаланиш борасида барча учун шаффоф бўлган тизим яратилади.

Бир адолатчи — юз аёлга ҳимоячи

"Бир адолатчи — юз аёлга ҳимоячи". Ўз номига монанд, хотин-кизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни мақсад қилган мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мадина "Темир дафтар"дан чиқади

Маҳаллапарда уйма-уй юриш механизми асосида давом эттирилган ўрганишларнинг натижадаги манзили Боёвут туманининг "Олмазор" маҳалласи бўлди. Мурожаат муаллифи Мадина Қаландарова тумандаги банк филиалидан норози бўлиб партиянинг ҳудудий кенгашига мурожаат қилди. Унинг сурови сабаб партиянинг депутатлик гуруҳи вакиллари нафақат банк филиалига, балки туман адлия бўлимига ҳам ёзма мурожаат қилди.

Натижада Маданининг кредит олиш мақсадида банк ташкилотига топширган ҳужжатлари қонуний тартибда ўрганиб чиқилди ва банк ходимларидан асосланган жавоб берилиши талаб қилинди. Икки йилдан буён кредит маблағини ололмай юрган фуқаронинг ҳужжатлари "Ҳар бир оила — тадбиркор" лойиҳасининг низом ва талабларига мос келиши тасдиқланди. Шу кун-



нинг ўзидаёқ Мадина Қаландаровага ўттиз миллион сўм миқдордаги кредит маблағи ажрати- берилди.

— Чорвачиликни ривожлантириш мақсад қилган эдик. Лекин банкдан кредит маблағини олишда сарсон бўлди. Борсак банк ходимлари турли баҳоналар билан бизни қайтариб юборар эди. Мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бугун эса хурсандимиз. Масаламизга ижо-

бий ечим топилиб, ўттиз миллион сўм олдик ва уч бош қорамол харид қилдик. Энди "Темир дафтар"дан чиқамиз, — дея хурсандчилигини билдирди Мадина биз билан суҳбатда.

Маҳфират ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Қутлов


Депутатимиз янги вазифага тайинланди

Жомбой туман ҳокимлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутат Тозагул Холқова Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасига тайинланди.

1997 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган Тозагул Холқова шу кунгача Самарқанд шаҳридаги 1-сонли болалар шифохонаси бош врач вазифасида ишлаб келаётган. Депутатимизга инсонлар саломатлигини асраш йўлидаги хайрли ишларида зафарлар тилаб қоламиз!



Бош Прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси диққатига!



Хурматли "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ходимлари.

2021 йилнинг 11 февралда сизга "Zarafshon-Don-Invest" МЧЖ билан "Техно Tudey" МЧЖ ўртасидаги низо бўйича Кармана туман иқтисодий судининг 2020 йил 13 октябрдаги 4-2101-2004/1042 сонли ҳал қилув қарори ижроси пайсалга солинаётгани юзасидан амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдик.

Буни қарангки, тахририят томонидан кўрсатилган "амалий ёрдам"дан сўнра, 2021 йил 7 май куни Мажбурий ижро бюроси Навоий вилоят бошқармаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан деб, ижро ҳужжатини ижросиз қайтарди!

Мана сизга қонун устуворлиги... Биз "Adolat" газетасига адолатни қарор топтириш учун мурожаат қилган эдик. Афсус... Балки газетага ёзмасак, муаммомиз ўз йўлида ечимини топармиди?..

Умуман олганда, биз бир нарсани тушунимаямиз. Суднинг (!) ҳал қилув қарорини ижрога тадбиркор қайта-қайта тақдим этиши шартми? Суднинг ҳал қилув қарорини қайтариш, судга даъво аризаси билан мурожаат қилишдан нима фойда? Тадбиркорни ўзи ким қўллаб-қувватлаши керак?..

Ишқилиб, саволларимиз кўп, аммо уларнинг ҳаммаси жавобсиз қолмоқда. Яна қанча кутамиз ахир?..

Сизга хурмат билан, М.ҲАЛИМОВ, "Zarafshon-Don-Invest" МЧЖ директори

Расмий муносабат

Мурожаатга жавоб хати

"Zarafshon-Don-Invest" МЧЖ директори М.Ҳалимовга. Сизнинг суд қарори ижроси таъминланмаётгани ҳақида "Adolat" газетасига йўллаган мурожаатингиз бошқарма томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Кармана туманларо иқтисодий суднинг 14.12.2020 йилдаги "Техно Tudey" МЧЖдан Сиз раҳбарлик қилаётган "Zarafshon-Don-Invest" МЧЖ фойдасига 18.877.739 сўм моддий зарар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича Бюронинг Кармана туман бўлими томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилган.

Ижро ҳаракатлари давомида, қарздорини ундириш учун "Техно Tudey" МЧЖ ҳисоб рақамига 19.12.2020 йилда электрон инкасса топшириқномаси кўйилган.

Қардор мол-мулкларини аниқлаш мақсадида тегишли органларга суровномалар юборилганда, ҳозирги кунда унга тегишли бўлган бирон-бир турдаги мол-мулклар аниқланмаган.

Бундан ташқари, қарздорнинг рўйхатдан ўтган манзили кўздан кечирилганда ҳозирда ҳеч қандай фаолият юритмаётганилиги, мол-мулклар мавжуд эмаслиги аниқланиб, ижро ҳужжати 07.05.2021 йилда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан ижросиз қайтарилган.

Ушбу ижро ҳужжатини қонуннинг 27, 40-моддаларига асосан ижрога қайта тақдим этганингизда мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиши ҳақида маълум қилинади.

Ушбу жавобдан норози бўлсангиз юқори турувчи органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигингиз тушунтирилади.

О.Б.МАРДОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи

Тахририятдан:

Газетага ёзмасак бўлар экан...

Бу гапларни ўқиб биз учун жуда оғир...

Зеро, қайта-қайта ўрағанишлар, ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашишлардан кейин газетада танқидий чиқиш қилар эканмиз, мақола чоп этилганидан сўнра тегишли ташкилотлар ўз вақтида унга муносабат билдиради, натижада кимларнингдир бузилган ҳуқуқлари тикланади, ҳақиқат қарор топади, демак, кимлардадир адолатга нисбатан қатъий ишонч уйғонади, деган умид туғилади. Бироқ юқорида келтирилган илҳомда баён қилинган каби тадбиркорга яхшилик қиламиз деб, не эзгу ниятларда қиришган ишимиз туфайли хижолатда, баайни "юз қаролиғ"да қоллишдан ёмон ийқ тахририят учун.

Айни пайтда, тан олайлик, мазкур воқеалик – томчида кўёш акс этгани каби – айрим нуфузли ташкилотларнинг Инсонга, тадбиркорга, энг авало, оммавий ахборот воситасига нисбатан беписанд муносабатини ҳам ифодалаб турибди. Бу қандай гапки, суднинг, ҳа, айнан суднинг ҳал қилув қарори чиққан, аммо уни бажариши шарт бўлган Мажбурий ижро масъуллари фалон-писмадон баҳоналар билан қарорини ижросиз қайтармоқдалар! Демак, суднинг қарорини бажармас ҳам бўлар экан-да! Ғалати эмасми?.. Яна бир ғалати жиҳати, ушбу мажбурий ижро масъуллари тадбиркорга "ижрога қайта тақдим этганингизда мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиши ҳақида маълум қилинади", дея писанда қилиб ўтишади.

Нима, суднинг битта ҳал қилув қарори тўлиқ ижро учун етарли эмасми? Ёхуд тадбиркорнинг энди яна елиб-юғуриб, қайтадан ҳамма ҳужжатларни йиғиб, ижрога топшириб юришдан бошқа юмуши йўқми?

Холсанилло айтганда, ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши лозим эмасми?..

Хуллас, шунақа гаплар. Баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради: қўлида ўзининг ҳақлигини исботлайдиган бир қучоқ ҳужжатлар билан мўлтираб келиб турган фуқарога кўмаклашмасангиз – бир бало, кўмаклашсангиз – ўн бало... Бизни ташвишга солаётгани, бундай воқеликларнинг кўпайиб бораётганидир.

Албатта, биз ўз йўлимиздан қайтмайлик, бурчимиз, вазифамизга масъулият билан ёндашган ҳолда, бу йўналишдаги фаолиятимизни изчил давом эттираверамиз. Мазкур битикдан мурод эса, кўнундаги гапларни Сиз азиз газетхонлар билан ўртоқлашиш ва бундай воқеликларга жамоатчилик эътиборини қаратишдир.

Қолгани ўзингизга ҳавола.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги диққатига!

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИНИ НЕГА БАЖАРМАЯПСИЗ?..

Хурматли "Adolat" газетаси тахририяти! Барчага маълумки, ўтган йилдан буён бутун дунё аҳли коронавирус пандемияси туфайли азоб чекмоқда. Бу тинч ва осойишта яшаётган биз, ўзбек халқининг ҳам бошига тушди. Унга қарши кўрилган чораларга қарамасдан, қанчадан-қанча юртдошларимиз вирус билан касалланиб ва кўзга кўринмас бу бало юртдошларимизнинг бир қисмининг оламдан кўз юмишига ҳам сабабчи бўлди. Коронавирус балоси бизнинг оиламизни ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Гап шундаки, 1-сон республика клиник шифохонаси (1-сон РКШ) ходими, 1971 йилда туғилган олам Султонова Дилдор Шокировна ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 июлдаги ХК-9/1004-сонли кўрсатма хатига асосан, кўп сонли тиббиёт ходимлари қатори 1-сон Зангиота юқумли касалликлар махсус шифохонасига хизмат сафарига сафарбар этилди. Беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жараёнида ўзи ҳам ушбу касалликни юқтириб олди ва негадир шифокорлар унга нисбатан ўз вақтида муолажа ишларини олиб боришмаганлиги натижасида соғлиғи тикланишида муаммолар туғилишига сабаб бўлди. Аммо гап бунда ҳам эмас. 4652-сонли Президент қарори бўйича Д.Султоновага бир марталик махсус тўлов тўлаб берилмаётгани учун бир қатор масъул вазирлик ва идораларга мурожаат қилганимда Санитария эпидемиология соғлиқни сақлаш вазирлиги хизматининг Тошкент вилоят бошқармаси хулосасига кўра шу нарса аён бўлдики, хаттоки Д.Султонова Зангиота туман юқумли касалликлар шифохонасига жалб этилганлар рўйхатига киритилмаган. Натижада, унга бир йўла берилмаган кўшимча тўлов

тўлаш учун асос мавжуд эмаслиги маълум қилинган.

Бу борада мурожаат қилган барча тегишли вазирликлар, прокуратура ва суд тизими масъул ходимлари менинг талабим тўғрилигини, оламга бир марталик кўшимча тўлов тўлашни лозимлиги исботини топганлигини баён этишяпти. Аммо негадир Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу вазифани амалга оширишни хоҳламаяпти. Мен оламнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклашда, бир сўз билан айтганда, сиз, "Adolat"чиларнинг адолатни қарор топтиришда ёрдам беришингизни сўраш билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига бир савол билан мурожаат қилмоқчиман: Юртбошимиз мамлакатимиздаги ҳар бир пандемияга чалинган тиббиёт ходимининг саломатлигини тиклаш мақсадида маблағ ажратди. Сиз Президент қарорини нега бажармаяпсиз, мухтарам вазир?

Раҳимжон МАНСУРОВ, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Новза МФЙ, Новза кўчаси, 16-уй, 17-хонадон

Тахрирсиз хат

180 МИНГ СЎМГА бир ой қора қозонни қайнатиш мумкинми?

Ассалому алайкум, хурматли тахририят! Мен бу мактубимни бир гуруҳ кекса нафақа олувчилар номидан йўлламоқдаман. Шахсан менга 33 йиллик меҳнат стажи билан нафақа тайинлашди. Нафақам 609 минг сўм! 3 хонали уйда яшаймиз. Ҳар ойда уйнинг коммунал тўловларининг ўзига 430 минг сўм маблағ сарфлайман. Турмуш ўртоғим эса "нон пули" билан бирга 529 минг сўм нафақа олади. 3 нафар қизимиз бор. Уларни турмушга чиқарганмиз, худода шукр, қуда-андали, неваралимиз. Аёлимнинг нафақаси ўзининг борди-келдидан ортмайдигина эмас, етмайди ҳам. Коммунал тўловлардан ортаган 180 минг сўмга бир ой қора қозонни қайнатиб бўлмаслиги барчага кундай аён.

Бунинг устига соғлиғим-сини муаммолар бор: ошқозонимни жаррохлик амалиёти билан даволатганман, бел ҳурраси безовта қилади, парҳез асосида овқатланшим лозим. Бизга ўхшаган боқувчис йўқ кексаларнинг нафақасига қонуний тарзда кўшимча ёрдам бериш масаласи кўрилишини илтимос қилиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳам мурожаат қилдик. Мен ҳам бузуғни кунда бир кишининг бир ойлик

ўртача эҳтиёж саватчасини ҳисоблаб чиқдим. Дори-дармонсиз фақатгина ейиш-ичиш учун 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланар экан. Лекин 60 дан ошгандан кейин дори-дармондан фойдаланмасликнинг иложи йўқ, менимча. Шундай бўлса ҳам ҳар бир пенсиядаги фуқарога юқорида кўрсатилган маблағ нафақа сифатида ажратилса, кексалар ҳеч кимга муҳтож бўлишмас эди. Мамлакатимизда барча эътибор ва имкониятлар инсон манфаатига, унинг

бахтли яшаш учун хизмат қилишига қаратилган. Шундай экан, боқувчис бўлмаган, барча эҳтиёжлари фақат нафақага қаратилган биз каби фуқароларнинг нафақалари оширилса айни муддао бўлар эди. Юртбошимизнинг бундай савобли ишларни амалга оширишга эътибор қаратишига ишонамиз. Бахтиёр ПУЛАТОВ, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Ходжаев кўчаси, 10-уй, 45-хонадон.

Семинар



КОРРУПЦИЯ – тараққиётга тўсиқ

Маълумки, 2019 йил 27 майда "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди. Унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш тегишли ташкилотларнинг зиммасига қатъи масъулият юклайди.

"Коррупция" деганда нимани тушунамиз, у ўзи нима? Юридик энциклопедияда бу атам "Коррупция – мансабдор шахслар ўзла-рига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият ваколатларидан шахсий бойлик ортириш

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ДЕПУТАТИ САФАР ОСТОНОВ



Ўзбекистон матбуоти оғир жудоликка учради. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты, "Ўзбекистон овози" – "Голос Ўзбекистана" газеталарининг бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов шу йил 9 июнь куни 73 ёшида вафот этди.

Сафар Остонов 1948 йилда Самарқанд вилоятида туғилди.

1972 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни журналистика мутахассислиги бўйича тамомлади.

Ижодий фаолиятини 1971 йили ҳозирги "Ёшлар овози" газетасида бошлаб, турли лавозимларда ишлади. 1990-1996 йилларда "Спорт" ва "Ўзбекистон футбол" газеталари бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди.

1996-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифаларда хизмат қилиб, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини мустақамлаш, соҳани замон талаблари асосида ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этди.

Таниқли журналист 2002 йилдан умрининг охирига қадар "Ўзбекистон овози" – "Голос Ўзбекистана" газеталарининг бош муҳаррири лавозимида самарали меҳнат қилди.

С.Остонов мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, кенг қўламли ислохотларнинг маъно-маъмунини жамоатчиликка етказиш, миллий қадриятларни тарғиб этиш, ахборот соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

2020 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сифатида самарали фаолият юритиб, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзининг бой билим ва тажрибасини ёрқин намойён этди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда олиб борилаётган халқ билан бевосита мулоқот қилиш асосида жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш борасида, айнакча, жонбозлик кўрсатди.

Маҳоратли журналист Сафар Остонов ижтимоий ҳаётдаги кўплаб долзарб ва кескин муаммоларни дадил кутариб чиқиб, уларни ҳолис ва ҳаққоний ёритадиган, фаол гражданлик позицияси, ватанпарварлиги билан кенг жамоатчилик ўртасида муносиб обрў-этибор қозонган ўткир қалам соҳиби эди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюммаси ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоси сифатида у ўнлаб истеъдодли ёшларга журналистика соҳасининг сир-асрорларини ўргатиб, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш учун ўзини аямасдан, бегараз хизмат қиладиган меҳрибон ва талабчан устоз сифатида танилган эди.

Ўзбек матбуотининг кўзга кўринган намоёнаси, таниқли жамоат арбоби Сафар Остоновнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Истеъдодли публицист, камтарин ва самимий инсон Сафар Остоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият" сифатида ифода этилган. Мазкур иллат мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига путур етказиши, демократик институтларни заифлаштириши, ижтимоий тартибни бузади. Коррупциянинг олдини олишнинг асосий йўлларида бири, шубҳасиз, аҳолининг, давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари-нинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бунга қарши барча биргаликда курашсагина, муайян натижага эришиш мумкин. Шундай экан, бу борада барчамиз фаол бўлишимиз, биргаликда курашишимиз зарур.

Жорий йилнинг 3 июнь куни Қашқадарё юридик техникумида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят ва шаҳар кенгашлари, Қарши шаҳар ИИБ, вилоят Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда "Коррупция – тараққиётга тўсиқ" мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Семинарда ушбу муассасада таълим олаётган парти фаолларига мавзу юзасидан керакли маълумотлар ва қонун ангилликлари тўғрисида тушуначалар берилди. Ўз навбатида талабалар томонидан мавзуга оид саҳнавий кўринишлар намойиш этилди. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Коррупция деган бало, яъни порахўрлик, тамағирлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби иллатлар ҳар қандамда учраётганини инкор этиб бўлмайди. Қонунга зид бўлган бундай ҳуқуқ ҳолатлар билан муроаса қилишга чек қўйиш, коррупция балосини таг-томири билан қуритиш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Баҳоргул НОМОЗОВА, Қашқадарё юридик техникуми ўқитувчиси, партия фаоли

Кеча ва бугун

Глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган бир пайтда турли маданият ҳамда динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик, ўзаро бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида она Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг кадрига етиш, шу осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшиб, эл-юрт тақдир, келажаги учун дахлдорлик туйғусини дилига жо қилиб яшашни ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бирига айланди.

БАҒРИКЕНГЛИК — азаллий қадрият

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалаларга тўхталиб, жумладан, “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича тақдирли илгари сурган эди.

2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессияси 51-йиғилишида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини 193 та мамлакат томонидан ақдрили билан қабул қилинди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқишида ўзига хос рамзий маъно бор. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон намунаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Юртимиз ҳудуди минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотик, илм-фан, маданият марказлари вужудга келган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган.

Марказий Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўрғофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, қўлаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил қилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминиди қадим замондан ислом билан бошқа динлар, маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига мўайян ҳисса қўшиб келди.

Халқимизга азалдан хос хислат — бағрикенглик бир зумда пайдо бўлган эмас, у биз учун анъанавийдир. Мамлакатимизда фаолият юритган динлар тарихига қисқача назар ташласак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди инсонларда илк диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан бири эканига гувоҳ бўламиз. Тош асрининг ўрталарида аждодларимиз орасида турли ҳайвонлар ва Қўёшга топиниш, кейинроқ фетишизм, анимизм, афсунгарлик (магия) тарқалган.

Зардуштийлик заминиди Марказий Осиё шароитидаги ҳаёт тарзи ўтроқ деҳқончилик ва қўчманчи чорвадорлик ўртасидаги зиддиятлар ётади. У кейинчалик монотеистик ғоялар ривожига катта ҳисса қўшган. Биринчидан, у кўпхудоликка (политеизм) қарама-қарши якхудоликка (монотеизм), яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг даҳшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, кўрқув даҳшатли остида сизинишган бўлса, зардуштийлик кишиларга меҳр-шафқат билан тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўли-

“МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК”
РЕЗОЛЮЦИЯСИНING АЙНАН ЎЗБЕКИСТОН
ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИДА ЎЗИГА ХОС
РАМЗИЙ МАЪНО БОР.
БУГУН МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА
КОНФЕССИЯЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН НАМУНАСИ ЖАҲОН ХАМЖАМИЯТИ
ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.



мидан кейин мангу фаровон ҳаёт билан таъминлай оладиган тангрига ибодат қилишга чорлаган.

Ўз навбатида халқимизнинг ўша қадим давлардаги меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, бағрикенглик каби умуминсоний қадриятларини зардуштийлик дини манбаси — “Авесто” битикларида ҳам кўриш мумкин.

Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда қушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири — II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарам) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

XX асрнинг бошларида Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка мансуб қўлаб қимматбахо металллар — олтин ёки қумушдан ясалган тангалар, хайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликлар топилган.

Халқимизда бағрикенглик илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатган турли динлар маданияти бўйича изланишлар олиб борган япон олими Като Фирюга кўра, Сурхондарё воҳасида аниқланган ноёб Будда маданияти ёдгорликлари, яхшудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари юртимиздаги ислом обидалари билан бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Жаҳондаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асослангани ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Аксарият динлар бу дунёни фаний, ўткнчи деб ҳисоблайдилар. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади — бу дунёда хайрли, савоб ишлар қи-

либ, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатилш ўз аксини топган.

Мамлакатимизда яхшудийлик дини вакилларининг истикомат қилиши халқимизга хос ўзбекона бағрикенглик, этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг яна бир юксак намунаси бўлса, ажаб эмас. Хусусан, яхшудийлар жамоасининг вакилларидан бири РБенсман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки сингагога VIII асрдаёқ қурилгани, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтда ҳам шароит яратиб берилганини таъкидлаб: “Урта аср Европаси ва Византия империясида қувгин қилинган яхшудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди”, деб ёзади.

Туркистон ерларига кириб келган Рус православ руҳонийлари асосий эътиборни миссионерлик фаолиятига эмас, балки ўз жамоаларининг диний эътиқодларини қондиришга қаратганлар. Православлар черков қурганларида маҳаллий мусулмон аҳоли ҳам ёрдам кўрсатгани маълум. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги “Муқаддас Георгий” ибодатхонаси қурилишига маҳаллий имом ва савдогарлар моддий эҳсон қилганлар. Бу ҳолат ушбу динлар вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат ўша даврлардан шаклланганига далил бўла олади.

Тарихий манбаларда Ўзбекистонда диний ва этник муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмагани қайд қилинган. Бундай ҳолатни ҳозирда ислом, христиан, яхшудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу каби дўстона муносабатлар, яъни мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминиди биргаликда ҳамнафас бўлиб яшашни диний-маънавий тотувликнинг

тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб айтишимиз мумкин.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асариди “Бирон халқнинг у ёки бу удумларига баҳо беришда буниси менга ёқади, униси ёқмайди, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Негаки, ҳар бир халқ удумлари, анъаналари минг йиллар давомида шаклланган ва ўша миллатнинг ҳаёт тарзига айланган”, деб ёзган.

Буюк аждодимизнинг ушбу сўзлари инсониятнинг бир бутунлиги ва тараққийотини белгилаб берувчи омиллардан бири — маданият турли-туманликка муносабатнинг ўзига хос шакли бўлиб, бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг моҳиятини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшашни, ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир. Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насроний, яхшудий, буддавий ва бошқа кўхна дин вакиллари нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, 136 миллат ва элат вакиллари истикомат қилиб келмоқда. Улар нафақат турли тилларда сўзлашади, балки турли динларга эътиқод қиладилар. Ҳозир республикада турли миллат ва элат вакилларининг диний урф-одатлари, анъаналар ва қадриятларини сақлаб қолиш ҳамда бағрикенглик таъминлашнинг таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Муҳими, бағрикенглик халқимизнинг азаллий қадриятига айланганини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Неъматулло МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом тарихи ва манбашунослиги-IRCICA”
кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори, доцент

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ: “МАҚСАДИМИЗ — ЮКСАК БИЛИМЛИ, ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ”

Жорий йилда 25 нафар тадқиқотчи-олимларимиз мавжуд мутахассисликлар бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиши режалаштирилган. “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан профессор-ўқитувчилар етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига малака оширишга юборилади. Дарс жараёнлари рус тилида олиб бориладиган йўналишларга таълим берувчи малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида, жорий ўқув йилида магистратура бўлимига қабул қилинган магистрантлар 30 фоизининг рус ва инглиз тилларини илмий даражада ўзлаштиришларига алоҳида эътибор қаратилди.

Университет қошида ўтган йили Гендер тенглик тадқиқотлари маркази ва “Болажон” инновацион марказининг ташкил этилиши ҳам жамоатчилик томонидан хайрли ва самарали қадам сифатида эътироф этилди. Олийгоҳда таҳсил олувчи 14 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг пухта билим олиши ва самарали илмий фаолият юритиши учун мазкур марказлар алоҳида хизмат қилади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида Фарғона, Бағдод, Сўх ва Тошлоқ туманлари ва Фарғона шаҳрининг 280 та маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирилди. Олийгоҳ жамоасининг маҳалла фуқаролар йиғинлари ва умумий ўрта таълим мактаблари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қўмақлашиш, ёшлар билан “маҳаллабай” ишлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича талай ишлар амалга оширилди. Биргина физика-математика факультети томонидан Фарғона шаҳридаги “Ойбек” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 25 нафар уюлмаган ёшларнинг паррандачилиги ва қўнчилик соҳаларига йўналтирилиб, бандлиги таъминлангани эътиборга молик. Шунингдек, “Болажон” инновацион марказида “Наврўз”, “Шодиёна”, “Сой бўйи”, “Шодлик”, “Ойбек”, “Истиклол”, “Соҳибқирон Темури”, “Шаршара” МФЙ ўғил-қизлари учун “Фарзандларимиз — келажакимиз” мавзусида ўтказилган кенг қамровли тадбирлар ҳам ёшларнинг маънавияти, ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилмоқда.

Олийгоҳда ўтказиб келинаётган “Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш”, “Ёшлар форуми”, “Йил талабаси”, “Универсиада”, “Дин никоҳидаги экстремизм — ёшлар келажакига таҳдид”, “Учинчи Ренессанс — ёшлар нигоҳида”, “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмаган” сингари юздан ортиқ кўрик-танлов, семинар-тренинг, маънавий-маърифий тадбирлар таллаб ёшларнинг фаол ва муваффақиятли иштироки таъминланди, уларга муносиб мотивация берилди.

Жорий йилда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га қиритилган талабаларни қўллаб-қувватлаш ишларига эътибор қаратилиб, 48 нафар “дафтар”даги ёшлар ва 47 нафар алоҳида квота асосида таҳсил олаётган хотин-қизларга моддий қўмак берилди. Шунингдек, 171 нафар юқори курсаткича эга йилит-қизларнинг ҳар бири университет томонидан белгиланган пул маблағлари билан рағбатлантирилди. Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимларининг оиласи, фарзандлари ҳам доимий эътибор марказида.

Кувонарилиси, халқаро олий таълим ютуқларини ўзлаштириш ва таълим сифатини дунё стандартлари даражасига олиб чиқиш мақсадида 70 дан ортиқ халқаро олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга эришдик. Ҳозирда Қозғистон Республикаси Евросоюз миллий университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Томск давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Хитойнинг Конфуций институти, Швециянинг Лунд университети сингари Европа ва Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатлари ОТМлари билан меморандум ва ҳамкорлик шартномаларини имзолаб, алоқалар янада мустаҳкамланди. Фарғона давлат университети АҚШ элчихонасининг 2020-2022 йилларда Access дастурини амалга ошириш учун ўтказилган танловда гўлиб бўлди. Унга мувофиқ, профессор-ўқитувчиларимиз болаларга мактабдан кейинги дарс ва интенсив машғулотлар орқали инглиз тили кўникмаларини ўстиришга мўлжалланган микростипендия дастури асосида Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидидаги ўз муассасаларида инглиз тилида таълим бериши режалаштирилган.

2020-2021 ўқув йилида Отабек Собиров, Умида Райимжонова, Гулжаҳон Тиллабоева сингари 5 нафар талабамиз Навоий номидаги, Моҳидил Қурбонова Ислам Каримов номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлишди. Шунингдек, Ферузобону Анварова, Зухриддин Жўраев, Ҳаётбек Миркомиллов сингари 6 нафар ёшлар олийгоҳимизда таъсис этилган академик Санжон Абдурахмонов, Авлиёхон Мухаммадиев, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров номидаги стипендиялар совриндори бўлишди. Мамлакатимизда илк марта олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган “Илҳом” миллий мукофоти танловига филология факультети талабаси Қобилжон Шерматов гўлиблар қаторидан урин олди. Мақсадимиз юртимиз учун муносиб, янги авлод кадрларини тарбиялаш экан, ёшларимизнинг ҳар қандай интилиш ва саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш эътиборимиз марказида бўлади.

Айни кунларда олийгоҳимиз қошида янги таълим маркази — ФарДУ ўқув курсларини ташкил этиш ишларини бошладик. Фаолият курсатиши кўзда тутилган ментал арифметика, инглиз тили, немис тили, рус тили, шунингдек, тикувчилик, ҳайдовчилик, электр пайвандчилик, чилангарлик, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот, мобиль иловалар, олимпиада спорт турлари бўйича тайёрлов каби ўқув курсларида талаба-ёшлар ва абитуриентлар ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар.

Давлатимиз раҳбарининг “Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмни бўламан деган, юрагиди ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт” деган сўзлари олий ўқув юртларида таълимнинг халқаро андозаларига тўла жавоб бера оладиган шароитларни яратиш лозимлиги ҳақидаги муҳим топшириқдир. Олийгоҳимиз илмий-педагогик жамоаси янги ўқув йилида ҳам таълим сифати ва илмий кўрсаткичларини янада ошириш, юксак билимли, янги авлод кадрларини тарбиялаш йўлидаги ишларимизни юқори босқичга олиб чиқишга шай бўлиб турибди. Зотан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимситлик» экан, ана шундай ақл-заковат, яхши тарбия, юксак инсоний хислатлар жам бўлган авлодни камолга етказиш — муқаддас вазифамиздир.

Раҳматилло ШУКУРОВ,
Фарғона давлат университети ректори вазифасини
вақтинча бажарувчи,
филология фанлари номзоди, доцент

Саховат



Болаларга меҳр кўрсатилди

“Банда бировга ёрдам учун ҳаракат қилар экан, Тангри ҳам унинг ёрдамида бўлаверади”, дейилади ҳадисларда.

Дарвоқе, “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларига муруват кўрсатилиб, эъзозланган, ардоқланган юрда ҳаммиса файз-баракат бўлади. Бунинг бозор шароитида ўзгалар кўмаги муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини ўзларига асосий дастур қилиб олган Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши фаоллари ва депутатлари фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Халқимизда яхши хабар тез тарқалади, деган ибора бор. Дарҳақиқат, топиб айтилган гап. Бугун Қашқадарё вилояти шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб хушxabар тарқалди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, партиядошимиз Қўйли Нарзуллаев Қамаш туманидаги 4-сонли “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларига ўз ҳисобидан хайрия ёрдами кўрсатди.

Қамаш туманидаги 4-сонли “Меҳрибонлик уйи”да бўлган депутат 4 нафар тарбияланувчининг хатна тўпани ўтказиб берди ва уларнинг ҳар бирига велосипед ҳада қилди. 134 нафар тарбияланувчига эса совға-саломлар улашди.

“Меҳрибонлик уйи”даги хайрия тадбири ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Депутат ташаббуси билан тарбияланувчиларга вилоят маданият ходимлари томонидан концерт дастури намойиш этилди. Кўнгилчак театри санъаткорлари намойиш этган ҳаётий сахна кўринишлари эса кўнгил ўқисқ болаларга бир олам қувонч улашди.

Нодир ИСОМОВ,
Қашқадарё вилоят кенгаши ижрочи котиби

Аччиқ, аммо очик гаплар

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Черчилга Англия осмондан бомбардимон қилинаётгани ҳақида хабар берилади. У эса: "Таълим билан суд тизимининг аҳволи қандай?" деб сўрабди. Мулозимлар "Таълим давом этаяпти, судлов адолатли", дея жавоб беришибди. Шунда Черчил: "Демак, кўрқмасангиз ҳам бўлади, ишларимиз жойида!" деган экан.

ҲАММА ИШЛАРИМИЗ ЖОЙИДАМИ?



Демак, таълим сифатли бўлса, илм-фан тўхтовсиз ривожланиб боради, судлов адолатли бўлса, тепадан бомбардани ёғиб турса ҳам кўрқмасангиз бўлар экан. Зеро, илм-маърифат юксалган, ҳар қандай жиноят, қонунбузарлик муқаррар ўз жазосини оладиган юрт ҳеч нарсасдан кўрқмас ва бўлади. Биз-чи? Биз қайси соҳада "ишларимиз жойида" дея оламиз?

Дарҳақиқат, агар эътибор қилганимиз бўлсангиз, ривожланган давлатларда таълим ва адолатли судлов тизими жамиятнинг ривожланишида бош бўлиб ҳисоблангани учун ҳам бу давлатларда ривожланиш юксак даражада, илм-фан, техника ҳам

юксалмоқда. Бундай юксалиш, куч-қувватга тўлиқлиги сабаби ушбу давлатларда таълим бериш, таълим олиш ишлари йўлга қўйилишида ҳеч қандай кўзбўямачилик, товламачилик, коррупция йўқлигидан. Шунинг учун ҳам уларнинг "ишлари жойида". Эътибор беринг, бизда одамлар бор-будларини сарфлаб бўлса ҳам шифо истаб чет элларга кетаяпти. Одам қилган ишни одам қилади. Чет элдан келган ишни бизлар қила олмасмики? Бир вақтлар ТошМИ деган даргоҳ дунё олимлари билан тенглашадиган кадрларни етказиб берган. Ҳозир биз УЗМУ деб атаётган даргоҳдан бир вақтлар қанчадан-қанча олимлар етишиб чиққан. Олим бўлмаса

гун эса, тўқ бўлса ҳам бировнинг "огзидагани юлай" дейиш оддий ҳолга айланапти. Нима учун? Аксарият ёшларимизнинг ўз-ўзларини, оламни теран аналлашлари, маънавий дунёқарашлари, фикрлаш даражалари ниҳоятда паст даражада. Маънавий-ахлоқий муносабат, сиёсий онг, ватанпарварлик ҳисси етишмайди. Нима учун?

Ироқ ва Суриядан қайтариб олиб келинган аёлларни ижтимоий ўрганган тадқиқотчилар бу аёлларнинг уруш ўчоғига кетиб қолишларининг энг катта сабаби уларнинг билимсизликлари бўлгани (битта китоб ўқимади мактабни битиргани!), жуда паст даражадаги таълим ташкирларга қарши кучсиз иммунитетни шакллантирилганини ва ҳақиқий вазиятни ҳолис баҳолай олиш кўникмаси бўлмаганлиги ҳақидаги фикрларни билдирдилар. Нима учун мактабни битирган ёшларда ташкирларга қарши иммунитет кучсиз? Айнан ана шу билимсизлик, вазиятларга ҳолис баҳо бера олмаслик, фикр саёзлиги бу ишларнинг Сурияга, уруш ўчоғига кетиб қолишларига сабаб бўлганлигини қачон англаймиз? Мактаб таълими ўз вазифасига қўра ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаши керак. Лекин бу вазифани бизнинг мактаб адо эта олмайди. Нима учун? Нима учун мактаб ёшларни "вазиятга ҳолис баҳо бера олмайди" даражада "учирма" қилди? Чунки биз таълимда коррупция, порахўрлик, товламачилик бемалол йўл қўйиб, ўз миллатимизнинг оёғига ўзимиз болта урдик ва ураемиз.

Уттиз йилдан бери таълимда қилинаётган тўхтовсиз ислохотлар таълим тизимининг оёғини осмондан қилиб юборди. Нима учун бундай бўлди? Сабаби, бизда билим билан ватанпарварлик йўқ. Биз ўз Ватанимизни, ўз халқимизни севмаймиз, унинг келажиги учун қайғурмаймиз, шунинг учун ҳам, аввало, ўз нафсимизни ўйлаймиз, кимнингдир диссертацияси ўтиши учун ёки кимнингдир оғзаки кўрсатмаси асосида таълимга янгиликлар олиб кириверамиз, "боланинг ақлини пасаитирадиган механизм" деб номлангани мумкин бўлган дарсликлар бизни хавотирга солмайди, уларга кучли монополия ва коррупция таъсирини ўтказиверади. Болаларимиз эса билим-

сиз, саводсиз бўлиб етилаверадилар. Шунинг учун ҳам дарахтларни беаёв кесамиз, табиатни асрамаймиз, ноёб ҳайвонларни овлайверамиз, билимсизлик, зулм, адолатсизлик порахўрлик, коррупция кучаяверади. Уттиз йил аввал Россияда ҳам таълимда ислохотлар бошланган. Бу ислохотлар таълимда монополия ва коррупцияни ағда-

пади, коррупция эса илдиз отмай ўз жойида ўлади, жиноятчи эса ким бўлишидан қатъи назар, адолатли равишда жазосини олади, беғуноҳ эса тўхмат туфайли қамалмайди, у ва унинг яқинлари дунёдан эзилиб ўтмайди, салоҳиятли ёшлар чет элларга кетиб қолмайди. Қайси соҳада ишламасин, билим ва малакага ва имонига содиқ мута-

рифатли инсонларни бирга жам қила олишимга ва одамларни ҳақиқий бахт, саодатга олиб бора оладиган Курьон принципларига асосланган битта қонуни ўрна-тишга умид қиламан", деб айтган экан. Чунки Курьонда Аллоҳ инсониятни илохий қонуниятлардан огоҳ этади, ҳаром, зулм, зўравонлик, адолатсизлик, риё орқали пул топишнинг муқаррар жазосидан огоҳлантиради. Шунинг учун ҳам Худони билган ва Ундан кўрққан иймонли одамлардан иборат жамиятда, давлатда ҳеч қачон коррупция, порахўрлик, зулм, адолатсизлик бўлмайди, дарахтлар беаёв кесилмайди, ноёб ҳайвонлар овланмайди, табиятга, одамларга зарар келтирилмайди. Бундай бахтли жамиятда яшаш кимгадир эмас, ҳар бир инсоннинг ўзига – ўзимизга боғлиқ эканлиги исбот қилинмайдиган аксиомадир. Зеро, Ватани севмоқ имондандир.

Билимсизлик қоқоқликка, қоқоқлик қулликка олиб келади. Биринчи навбатда, болаларимизга сифатли таълим берилайлик. Бунинг учун аввало Республика таълим марказини дарслик тайёрлаш ва узатиш монополиясидан "озод" қилиш шарт! Хукумат дарсликларнинг барчаси бир-бирига муқобил бўлишига кенг йўл очили керак.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган Педагогика илмий-тадқиқот институти ХТВ тасарруфидан чиқарилиб, Фанлар академияси ихтиёрига ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Илмий асосга эга бўлмаган бирор-бир ҳаракат таълим тизимида бўлмаслиги керак.

Ўзбекистонда "Ҳар қандай педагогик технологиялар, ўқувчига тақдим этилажак педагогик инструментариёлар, аввало, шахс камолоти ва жамият тараққиётининг кафолатланган натижаси бўлиши" учун қатъий қоида ёки қонун амалда бўлишига эришиш керак.

АЛЛОҲ ИНСОНИЯТНИ ИЛОҲИЙ ҚОНУНИЯТЛАРДАН ОГОҲ ЭТАДИ, ҲАРОМ, ЗУЛМ, ЗЎРАВОНЛИК, АДОЛАТСИЗЛИК, РИЁ ОРҚАЛИ ПУЛ ТОПИШНИНГ МУҚАРРАР ЖАЗОСИДАН ОГОҲЛАНТИРАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ХУДОНИ БИЛГАН ВА УНДАН КЎРҚҚАН ИЙМОНЛИ ОДАМЛАРДАН ИБОРАТ ЖАМИЯТДА, ДАВЛАТДА ҲЕЧ ҚАЧОН КОРРУПЦИЯ, ПОРАХЎРЛИК, ЗУЛМ, АДОЛАТСИЗЛИК БЎЛМАЙДИ, ДАРАХТЛАР БЕАЁВ КЕСИЛМАЙДИ, НОЁБ ҲАЙВОНЛАР ОВЛАНМАЙДИ, ТАБИАТГА, ОДАМЛАРГА ЗАРАР КЕЛТИРИЛМАЙДИ.

ришга қаратилган эди. Биздагидан фарқи ўлароқ, бошқа фарб дўлатлари қатори Россияга ҳар қандай педагогик технологиялар аввало шахс камолоти ва жамият тараққиётининг кафолатланган натижаси ўлароқ кириб келди. Шахс камолоти ва жамият тараққиётини кафолатлангани учун ҳам асосли яратилган давлат стандартлари ва унинг асосида бир неча хил ўқув дастурларининг, муқобилликка асосланган дарсликларнинг яратилиши бу давлатнинг ривожланишига ва кучли давлатга айланишига олиб келди.

Бизда эса билимсизлик, жамиятда нигилистик қарашишнинг кучайиб кетгани дилтангликнинг, коррупциянинг илдизлари чуқурлашиб кетишига сабаб бўлди. Агар ўқитувчи ҳақиқий таълимни болаларга бера олса, мактабни беодоб, фикри саёз бола битирмайди; агар институт-университетлардан "қилни қирқ ёрадиган" имонли ҳуқуқшунослар таълим олиб чиқса, одамлар адолат излаб умрларини идорама-идора юриб ўтказмайдилар, адолатсизлик барҳам то-

хассиснинг қилган иши ўзи учун, жамият ва давлат учун фойдали бўлади. Ўз номи билан ҳақиқий билим, салоҳиятга эга бўлган шифокорлар ва шу соҳани ривожлантирувчилар озчиликни эмас, 100 фоизни қамраб олганда миллат соғлом бўлади. Одамларнинг шифо топиш учун четга кетадиган пуллари шифокорларнинг ҳақли ва шарафли меҳнатларига тўланади, давлатнинг газнасига кўпроқ пул тушади.


Наполеон Бонапарт: "Мен бутун дунёдаги барча ақли, маъ-

Агар ҳукумат ўқитувчи, шифокор ва ҳуқуқшуносни ҳам касбий, ҳам маънавий жиҳатдан етук, кучли кадр қилиб тайёрлашни ўз олдинга стратегик мақсад қилиб қўйса ва буни қатъий ўз назоратига (қон-қонимизга сингиб кетган таълим-билишчилик, уруғ-аймоғчилик, порахўрликка чек қўйилган ҳолда) олса, илм-фан, техника ва бошқа ҳамма соҳалар ўз-ўзидан ривожланиб, давлат тараққиётини таъминлайди, маданиятли одамлар кўпаяди, одамлар адолат истаб эшикма-эшик юрмайди, шифо истаб бошқа юртларга кетмайди.

Ана шунда бизнинг ҳамма ишларимиз ростдан ҳам жойида бўлади.

Юлдуз АМИРЖОНОВА

Мулоҳаза учун мавзу



Тажовузорлик қандай пайдо бўлади?

Жаҳл – ҳаммада бор, ахир биз ожиз банд, оддий инсонмиз, фаришта эмас. Аммо ана шу жаҳлни кимдир бошқара олади, кимнидир эса жаҳл бошқаради.

Сўнги пайтлар ижтимоий тармоқлардаги хабарларни ўқиб, бу ҳақиқат яна бир бор исбот топайтганини кўрмоқдамиз. Қалтакланган ўқитувчи, дўпосланган шифокор, ўлдирилган қайнона, муштлашган қизлар... Мудҳис рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин, ҳуллас, ҳар бирида тажовуз мужжасам.

Уш, нега одамлар бу даражада тажовузкор бўлиб кетди? Мутахассисларнинг таъкидлашларича, агрессия – тажовузнинг икки хил сабаби бор: психологик ва физиологик. Тажовузнинг психологик сабабига тез чарчаш, тўйиб ухламаслик, кўркув, ваҳима, стресс киради. Демак, бу ҳолатларга тушган одам агрессивлашиб бораверади ва ҳар қан-

дай вазиятга куч ишлатиб, ечим топишга ўрганиб қолади. Тажовузкорликнинг физиологик сабабларига гормонал бузилиш, очлик ҳисси, организмда микроэлемент ва витаминлар танқислиги, қалқонсимон без хасталиклари, айрим дорилар таъсири киради. Агрессиянинг генетик сабаби ҳам бор. Бу асаб тизими кўзгалувчанлигининг наслдан наслга ўтиши бўлиб,

бунга кўпинча характер, деб қаралади. Баъзи беморларда инфекция хасталиклар, грипп, УРВИ, қандли диабетдан кейин характерда тажовузкорлик буй кўрсатиб қолади. Балки ўтган йили коронавирус оғир асорат қолдириб, одамларнинг асаб тизимига таъсир кўрсатгани учун хулқ-атворида ҳам шундай салбий ўзгаришларга олиб келгандир. Агрессиянинг яна бир сабаби –

нотўғри овқатланиш. Фаст-фуд, газланган ичимликлар, ўта ёғли, шўр ва ширин егуликлар зарарли углевод ҳосил қилиб, инсонга ортиқча энергия беради. Бу энергия секин сарфланади ва тез чарчатади. Чарчоқ миёга таъсир қилиб, куч ишлатишга ундайди. Кортизол гормони организмдаги глюкоза алмашинуви бошқаради, жаҳл пайти ушбу гормоннинг миқдори бандлашиб кетади. Ҳозир ёшлар ўртасида энергетик ичимликлар оммалашди. Лекин сунъий энергия салбий сарфга йўналтирилади, ижобийсига эмас. Одам ундан олган энергиясини меҳнатга эмас, зўравонликка сарфлаб қўймоқда.

Демак, агрессияга асосий сабаб – энергиянинг ноўрин сарфи. Олдин одамлар меҳнат билан кўпроқ банд

Инсон руҳиятида бунёдкор ва вайронкор ғоялар мужжасам. Киши кимдандир хафа бўлиб, унга ёмонлик тиласа – бу вайронкорлик. Ҳаёт бумеранг қонуни (ҳар ким экканини ўради) асосида қурилган экан, ўхшаш нарсалар тортилади. Вайронкор ҳаёллар билан банд бўлган одам реал воқеада тажовузчи қабул қилади. Хавотир ҳам – вайронкор туйғу. Сиз кимдандир хавотир олиб, ёмон гумонга борсангиз, унинг онг ости сизга нисбатан тажовузчи йўллайди. Ҳатто ачинаш ҳам – вайронкор ўй. Бировнинг ҳолидан ичингиз ачиса-ю, фақат унга раҳм қилиб эзилиш билан чеклансангиз, амалий ёрдам кўрсатмасангиз, бу имконсиз бўлганида, эзгу тилак билдирмасангиз, ҳаётдаги қайси бир

Ёшларнинг ўртасида муштумзўрлик ва баъкана қилкилар кўпайганининг сабаби ота-оналар ва оилавий муҳит билан боғлиқ. Ота-онада нафрат бўлса, бу энергетик кўпроқ орқали боласига кўчади. Бола эса қабул қилган нафратини ур-сур билан чиқариб юборишга интилади. Агрессия деганда фақат қуч ишлатиш тушунилмабди. Овозини кўтариш, жаҳл ва хатто бекфарқлик билан ҳам инсон ички агрессиясини намоён қилади. Кимнингдир агрессияси ўзига қаратилган бўлиб, ғам-аламлар тўплана-тўплана ўз жонига қасд қилишгача етиб боради. Айниқса, вайронкор туйғулар билан яшаган ота-оналар ўзлари билмаган ҳолда фарзандларини онгда йўқ қилиш дастурини тузиб қўядилар.

Бостирилган негатив фикрлар бора-бора тажовузга ундайди. Масалан, кеч қолган "Тез ёрдам" ходимининг ёқасидан олган одам бир зумда яқин кишининг ўлимидан шу ҳолга тушмайди, унда йиллар давомида инсонларга нисбатан нафрат бўлган. Вазият қаҳрамони эса нафратлардан бўшаниш манбаси бўлиб кўринган. Фарзанднинг устозига қўл кўтарган ота-она бу воқеа содир бўлгунга қадар ҳам ҳаётдан норози бўлиб, муаммолар кўршовида яшаган. Мактабга келиб жанжал кўтариш, тўпланган аламларни сочиш учун қулай фурсат, холос. Аёлини қалтаклаган эркак болалигиданоқ аёлларга нисбатан салбий таассурот билан сугорилган, нозик жинс вақилларига нисбатан нотўғри муносабат шаклланган унда. Мисолларни узок давом эттириш мумкин, мухтасар айтганда, тажовуз йиллар давомида илдиз отади ва ривожланади, биз юзга чиққанини кўрамиз, холос. Тажовузнинг ҳеч бир тури оқланмайди. Тажовузкор шахс ўзига ва бутун жамиятга зарар келтиради. Агрессия босимни пасаитириш учун юқорида келтирилган сабабларнинг ўрганиши ва унга қарши курашиш лозим.

Дурдона АЛИМОВА, журналист

ҲОЗИР ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ОММАЛАШДИ. ЛЕКИН СУНЪИЙ ЭНЕРГИЯ САЛБИЙ САРФГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ, ИЖОБИЙСИГА ЭМАС. ОДАМ УНДАН ОЛГАН ЭНЕРГИЯСИНИ МЕҲНАТГА ЭМАС, ЗЎРАВОНЛИККА САРФЛАБ ҚЎЙМОҚДА.

бўлганлар, бор куч меҳнатга сарфланган. Ҳозир инсон меҳнати кўп жиҳатдан техникага юкланган, кўпчиликнинг кундалик турмуши камҳаракатлиликка асосланган. Тўпланиб қолган энергия эса салбий зўравонлик мақсадларида ишлатилмоқда. Тажовузкорона буйруқ миёдан бошқарилади. Организмдаги агрессив марказлар 2 та – гипоталамус ва бодомсимон без деб топилган. Гипоталамус миёда, бодомсимон без томоқда жойлашган. Улар фаолиятга гормонал фон бевосита алоқадорлик касб этади. Адреналин ва ноадреналин гормонлар миқдори ошса, одамдаги агрессия ҳам кўпайиб кетади.

нўқтадан тажовуз қабул қилишга тайёр туринг. Психологияда агрессив занжирга зўр бир мисол бор: "Раҳбар ходимни уришди, у жаҳл билан уйига келиб, аламини хотинидан олди. Аёл эрига қарши чиқолмаган ҳолда ўғлини урди. Ўғли онаси олдида бошини эгди ва итини телди. Ит ангилаганча кўчага чиқиб кетди ва биринчи учраган йўловчини тўшлаб олди. Бу – ўша раҳбар эди". Бундан айтилмоқчики, агрессив занжир бошланган ҳалқа билан тугайди. Ким атрофга агрессия таратса, бир кун ўз тажовузининг қурбонига айланади. Ахир, ўхшаш нарсалар тортилади.